

SWOT-таҳлил жадвали

S (Strengths) – кучли
ТОМОНИ

W (Weakness) –
кучсиз томони ёки
қандай ички
муаммолар
мавжудлиги

Ер тузиш
корхонаси

O (Opportunities) –
имкониятлар

T (Threats) –
тўсиқлар

Фаннинг номи: ЕР ҲУҚУҚИ

Маърузачи: А.Муқумов

7-семестрда ўтиладиган соатлар, жами –142 соат

Шу жумладан:

Маъруза - 36 соат

Амалий машғулот - 36 соат

Мустақил таълим - 60 соат

Талабалар билимини баҳолаш :

Фанни ўзлаштириш бўйича назорат баллари, жами – 100 балл

Жорий назорат – 36 балл

ЖН-1 18 (10) балл ,

ЖН-2 18 (10) балл

Оралиқ назорат – 34 балл

ОБ –1 17 (10) балл, ОБ -2 17 (9) балл

Якуний назорат – 30 балл

T/p	Маъруза мавзулари	Соат
	6-семестр	
1	Ер ҳуқуқи тушунчаси	4
2	Ер ҳуқуқи манбалари	6
3	Ерга мулкчилик ва ердан фойдаланиш ҳуқуқи	4
4	Ер тузишнинг ҳуқуқий асослари	4
5	Ер кадастрининг ҳуқуқий асослари	4
6	Ердан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш устидан давлат назорати	8
7	Ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик	6
	жами	36

ЕР ҲУҚУҚИ ТАВСИФИ

ҲУҚУҚ ТИЗИМИНИНГ
МУСТАҚИЛ ТАРМОҒИ

ҲУҚУҚ ФАНИНИНГ
БИР СОҲАСИ

МАХСУС ЎҚУВ
КУРСИ

ЕР ҲУҚУҚИ ТАВСИФИ

Биринчиси, ер ҳуқуқи

Ўзбекистон ҳуқуқ тизимининг мустақил ҳуқуқ тармоғидир. Ер ҳуқуқида ҳар бир ҳуқуқ тармоғи учун зарур бўлган белгилар мавжуддир, яъни:

а) у ўз махсус предметиға эға:

б) у ўз махсус ҳуқуқий тартибға солиш услубиға эға;

в) давлат шу соҳадаги ижтимоий муносабатларни алоҳида тартибға солиб туради;


г) у алоҳида гуруҳланган ҳуқуқий-норматив актлар мажмуасиға эға.

Иккинчиси, ер ҳуқуқи

Ўзбекистон ҳуқуқ фанининг бир соҳасидир. Шу ўринда унга фанга тегишли бўлган барча хусусиятлар тегишли бўлади. Ушбу фандаги илмий-назарий тушунчалар, қарашлар, муаммолар ва уни ривожлантириш масалалари бу фаннинг моҳиятини ташқил этади.

Учинчиси, ер ҳуқуқи махсус ўқув курсидир.

Унинг ўқув курси сифатидаги ҳажми, мазмуни ва мақсадлари ҳар хил даражадаги ўқув муассасалари учун ҳар хил бўлиши мумкин.



**Ер ҳуқуқининг
предмети
сифатида
қандай
муносабатлар
хизмат қилади**



Ер ҳуқуқининг предмети сифатида қандай муносабатлар хизмат қилади?

Ер ҳуқуқи ер билан боғлиқ, лекин иқтисодий тавсифга эга бўлмаган, яъни фойдаланиш ва муҳофазага алоқадор бўлмаган муносабатларни тартибга солмайди. Масалан, ер маъмурий-ҳудудий бошқарув муносабатларида объект бўлаётган бўлсада, бунда у давлат ҳокимиятининг таъсир доираси сифатида қаралиб, бу соҳадаги муносабатлар давлат ёки маъмурий ҳуқуқ билан тартибга солинади.

Демак, **ер ҳуқуқининг предмети** деб, ер ҳуқуқи вазифаларига жавоб берадиган, бевосита ерга нисбатан мулкчилик, ундан фойдаланиш, ва муҳофаза қилиш жараёнида вужудга келадиган ижтимоий муносабатларга (ер муносабатларига) айтилади.

ЕР МУНОСАБАТЛАРИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ УСУЛЛАРИ

ИМПЕРАТИВ УСУЛ

ДИСПОЗИТИВ УСУЛ

Ер ҳуқуқининг императив усули ер муносабатлари субъектлари доирасини ва ер муносабатларида амалга ошириш мумкин бўлмаган ҳаракатларни (тақиқ) белгилайди. Ушбу усулни характерли жихати шундаки, у ер муносабатларини тартибга солишда томонларнинг юридик тенглигини рад этади, ҳокимият ва бўйсунуш муносабатларини кўзда тутди. Масалан, ер участкасидан мақсадли фойдаланиш қоидалари бузилса (ЕК 36-м) ер участкасига бўлган ҳуқуқ бекор қилинади.

Ер ҳуқуқининг диспозитив усулини қуйидагича турларга бўлиш мумкин:

диспозитив усул

**тавсия этувчи
усул**

рухсат берувчи

**делегирующий
усул.
(йўналтирувчи)**

**ЕР ҲУҚУҚИ
ТАМОЙИЛИ
ТУШУНЧАСИ
НИМАНИ
АНГЛАТАДИ**



**ЕР ҲУҚУҚИ
ТАМОЙИЛИ
ТУШУНЧАСИ
НИМАНИ
АНГЛАТАДИ**

**ЕР ҲУҚУҚИНИНГ
ТАМОЙИЛЛАРИ-
ДЕГАНДА УНИНГ
БАРЧА МЕЪЁР
(НОРМА)ЛАРИ УЧУН
АСОС БЎЛАДИГАН
ХОЛАТЛАР
ТУШУНИЛАДИ**

**ЖАВОБГАРЛИК
НИ
ЮКЛАЙДИГАН
ОРГАНЛАР
БЎЙИЧА
ЮРИДИК
ЖАВОБГАРЛИК
НИНГ ТУРЛАРИ**

**Давлат ҳокимияти органлари
томонидан белгиланадиган юридик
жавобгарлик**

**Суд ва бошқа юридик органлар
томонидан юкланадиган
жавобгарлик**

**Маъмурий органлар (давлат
бошқарув органлари) томонидан
ҳуқуқбузар зиммасига
юкланадиган юридик жавобгарлик**

**ЕР ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРИ УЧУН
БЕЛГИЛАНДИГАН ЮРИДИК
ЖАВОБГАРЛИКЛАР ТУРЛАРИ**

**Анъанавий
шаклдаги**

интизомий,

маъмурий

фуқаролик

жиноий

Махсус шаклдаги

**махсус жавобгарлик
турлари сифатида эса
ер қонунчилигида
назарда тутилган
бошқа ҳуқуқий таъсир
чоралари назарда
тутилади**

МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК ТАРКИБИ

ЖАВОБГАР
ЛИК
СУБЪЕКТИ

ЖАВОБГАР
ЛИК
ОБЪЕКТИ

ЖАВОБГАРЛИК
НИНГ ОБЪЕКТИВ
ТОМОНИ

ЖАВОБГАРЛИК
НИНГ СУБЪЕКТИВ
ТОМОНИ

СУБЪЕКТ

Жавобгарлик субъекти сифатида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида истиқомат қилаётган 16 ёшдан юқори ёшга эга бўлган **фуқаролар** тан олинади

ОБЪЕКТ

Жавобгарлик объекти сифатида ер қонунчилиқ ҳужжатлари билан тартибга солинадиган ва маъмурий жавобгарлик меъёрлари билан муҳофаза қилинадиган **муносабатлар** тан олинади

Т/р	Маъруза мавзулари	Соат
7-семестр		
8	Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг ҳуқуқий ҳолати	4
9	Қишлоқ жойларда яшайдиган фуқароларнинг ерга эгалик қилиш ва ердан фойдаланиш ҳуқуқлари	4
10	Аҳоли пунктлари ерларининг ҳуқуқий ҳолати	4
11	Шаҳарда яшаётган фуқароларнинг ердан фойдаланиш ҳуқуқи	2
12	Саноат, транспорт, алоқа, муҳофа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерларнинг ҳуқуқий ҳолати	8
13	Алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудлар ерларининг ҳуқуқий ҳолати	8
14	Ўрмон фонди ерларининг ҳуқуқий ҳолати	6
жами		36
8-семестр		
15	Сув фонди ерларнинг ҳуқуқий ҳолати	6
16	Заҳира ерларнинг ҳуқуқий ҳолати	4
жами		10
Ҳаммаси		82

8-МАВЗУ: ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ЕРЛАР ҲУҚУҚИЙ ХОЛАТИ (4 соат)

РЕЖА:

- 1. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар тўғрисида тушунча.**
- 2. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар ҳуқуқий ҳолатининг умумий тавсифи.**

8-МАВЗУ.1-МАЪРУЗА:

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИГА

МЎЛЖАЛЛАНГАН ЕРЛАР ТЎҒРИСИДА

ТУШУНЧА (2 СОАТ)

РЕЖА:

- 1. Ер ҳуқуқининг алоҳида қисми тўғрисида тушунча.**
- 2. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар тушунчаси.**

МАЪРУЗАНИНГ ТЕХНОЛОГИК ҲАРИТАСИ

Иш босқичлари	Фаолият турлари	
	Таълим берувчи	Таълим олувчилар
1 босқич Ўқув машғулотиغا кириш 20 дақиқа	<p>Гурухлар давомати назорат қилинади.</p> <p>Мавзу номи, мақсади, кутилаётган натижаларни, фойдаланиш мажбуриятлари етказилади. Машғулот маъруза ахборот шаклида олиб борилиши маълум қилинади</p>	Тинглайдилар ва ёзиб оладилар
2 босқич Асосий қисм 50 дақиқа	<p>2.1. Мавзу режаси асосий тушунчалар билан танишиб чиқиш таклиф этилади.</p> <p>2.2. Маъруза слайдлар Power Point тартибида намойиш этилади, ҳар бир слайд шарҳланади.</p> <p>Мавзуга жалб қилувчи саволлар берилади.</p> <p>2..3. Мавзу режалари бўйича хулосалар қилинади. Керакли маълумотларни дафтарда қайд этишлари кераклиги ёдга солинади.</p> <p>3. Мавзунинг ўзлаштирилганлик даражасини аниқлаш мақсадида тезкор сўров ўтказилади. (1-илова)</p>	<p>Ўқийдилар</p> <p>Тинглайдилар, асосий маълумотларни дафтарга ёзиб оладилар, саволлар берадилар</p> <p>Талабалар жавоб берадилар</p>
3 босқич Якуний босқич 10 дақиқа	<p>3.1. Мавзу бўйича умумий хулоса қилади. Мавзунинг касбий фаолиятидаги аҳамияти ва ўрнига талабалар эътиборини қаратади.</p> <p>3.2. Мустақил иш учун топшириқ берилади. (2-илова)</p>	<p>Тинглайдилар</p> <p>Топшириқни ёзиб оладилар</p>

Маъруза машғулоти ўқитиш технологияси

Талабалар сони 98 нафар	8-мавзу.1-маъруза. 2 соат
Ўқув машғулотининг шакли	Маъруза-ахборот
Машғулотнинг режаси	1. Ер ҳуқуқининг алоҳида қисми тўғрисида тушунча. 2. Қишлоқ хўжалик мақсадлари учун мўлжалланган ерлар тушунчаси.
Машғулотнинг мақсади: Қишлоқ хўжалик мақсадлари учун мўлжалланган ерларнинг ҳуқуқий ҳолати тўғрисида умумий тасаввурни шакллантириш	
Педагогик вазифалар:	Ўқув фаолияти натижалари:
1. Ер ҳуқуқининг алоҳида қисми тўғрисида тушунча беради; 2.Қишлоқ хўжалик мақсадлари учун мўлжалланган ерлар тўғрисида тушунчалар беради.	1. Ер ҳуқуқининг алоҳида қисми тўғрисида тасаввурга эга бўлади; 2.Қишлоқ хўжалик мақсадлари учун мўлжалланган ерлар тўғрисида тасаввурга эга бўлади.
Ўқитиш услуби ва техникаси	Маъруза, ақлий хужум
Ўқитиш воситалари	Доска, таркатма материаллар
Ўқитиш шакли	Жамоа бўлиб ишлаш
Ўқитиш шарт шароити	Проектор ва компьютер билан жихозланган ўқув хонаси

ФАННИ МУСТАҚИЛ ЎЗЛАШТИРИШ УЧУН ТАВСИЯ ҚИЛИНАЁТГАН МАНБАЛАР ВА АДАБИЁТЛАР

Асосий:

1. Ben McFarlane, Nicholas Hopkins. Land Law: Text, Cases, and Materials. OUP Oxford, 2012
2. М.Ҳ. Рустамбоев ва бошқ. Ер ҳуқуқи..Дарслик – Т.: Тошкент давлат юридик институти, 2002. – 237
3. Земельное право республики Узбекистан. Учебник. Под. ред. М.Х. Рустамбаева. ҳуқуқи.Т.:ТДЮИ, 2007.-215 стр.
4. А.Нигматов. Ер ҳуқуқи. Ўқув қўлланма.– Тошкент.: “Ислом Университети”, 2001. – 191б.
5. А.Нигматов. Земельное право.Учебное пособие – Т.: “Ислом Университети”, 2001. – 189 б.
- 6.Узоқова Г.Ш. Аҳоли пункти ерларидан фойдаланиш ҳуқуқи.Т.:ТДЮИ, 2006.-117 б.
- 7.М.Mirzaabdullaeva, A.Muqimov, Z.Xafizova. Yer huquqi, O'quv qo'llanma.-Т.:TIMI,2016.- 196 б
- 8.Земельное право: Учебник / С.А. Боголюбов, Э.А. Галиновская; Учебник./Под ред. С.А. Боголюбова – М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2004.-400 стр.

Қўшимча:

1. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси , Ўзбекистон,Т.:1998
2. Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва қонуности ҳужжатлари

Интернет ресурслари

1. [http:// www, harvard.edu/](http://www.harvard.edu/)
2. [http:// www. Lex.uz](http://www.Lex.uz)

**ЕР ФОНДИ
ТОИФАСИНИНГ
ХУҚУҚИЙ
ҲОЛАТИ
ТУШУНЧАСИ**

**Ер фонди тоифасининг
хуқуқий ҳолати** деганда
шу тоифа билан боғлиқ
боғлиқ бўлган
муносабатларни
тартибга солишнинг ер
қонунчилиқ
ҳужжатларида
белгиланган тартиби
тушунилади



ЕР ФОНДИ

2019 й. МХ

Ўзбекистон Республикаси “Ергеодезкадастр” Давлат кўмитаси маълумотларига кўра 2019 йил 1 январ ҳолатига Ўзбекистон Республикасининг маъмурий чегарасидаги умумий ер майдони **44896,9 минг гектарни** ташкил қилади. Республика бўйича корхона, ташкилот, муассасалар, фермер хўжаликлари ва фуқароларнинг фойдаланишидаги жами ерлар **44892,4 минг гектарни**, шундан суғориладиган ерлар эса **4306,6 минг гектарни** ёки умумий ер майдонининг **9,6 фоизини** ташкил қилади.

Ўзбекистон Республикаси ер фонди **ерлардан фойдаланиш мақсади ва тартибига кўра** ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, улар Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг **2-боб 8-моддасига** биноан **8 та** тоифага бўлинади.


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЕР ФОНДИНИНГ ТИФЛАРИ БЎЙИЧА ТАҚСИМЛАНИШИ ТАҲЛИЛИ

Т/р	Ер фондининг тифлари	Умумий ер майдони, минг га		% ҳисобида	
		01.01. 2018 й.	01.01. 2019 й.	01.01. 2018 й.	01.01. 2019 й.
1	Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар	20261,6	20236,3	45,13	45,08
2	Аҳоли пунктларининг ерлари	221,2	221,4	0,49	0,49
3	Саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар ерлар	857,1	866,3	1,91	1,93
4	Табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш ва рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар	704,4	710,4	1,57	1,58
5	Тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар	14,3	14,5	0,03	0,03
6	Ўрмон фонди ерлари	11153,3	11199,5	24,84	24,95
7	Сув фонди ерлари	833,7	836,9	1,86	1,87
8	Заҳира ерлар	10846,8	10807,1	24,16	24,07
	Жами ерлар:	44892,4	44892,4	100.0	100.0

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг вилоятлар кесимида тақсимланиши (минг га, ҳисобида)

Республика ва вилоятлар номи	Умумий ер майдони	Жами қишлоқ хўжалик ерлари	Экин ерлар	Кўп йиллик дарахтзорлар	Бўз ерлар	Пичанзор ва яйловлар
Қорақалпоғистон Республикаси	16556,1	5715,3	418,3	8	11,2	5277,8
Андижон	430,3	256,0	202,1	30,1	2,8	21
Бухоро	4183,1	2757,6	199,5	20,8	6,9	2530,4
Жиззах	2117,9	1262,4	483,2	20,5	8,2	750,5
Қашқадарё	2856,8	2144,2	676,1	39,1	21,9	1407,1
Навоий	10948,1	8876,2	111,5	10,3	6,8	8747,6
Наманган	718,1	388,7	190	45,1	2,5	151,1
Самарқанд	1677,3	1299,5	429,1	68,1	5,2	797,1
Сурхондарё	2009,9	1139,4	278,8	33,6	0,3	826,7
Сирдарё	427,6	287,2	249,4	7,2	10,3	20,3
Тошкент	1525,4	822,4	329	52,6	0,8	440
Фарғона	700,5	320,4	247,5	49,4	0	23,5
Хоразм	608,2	331,6	205,2	13,2	3,8	109,4
Тошкент ш.	33,1	0,1	0,1	0	0	0
ЖАМИ	44892,4	25601	4019,8	398	80,7	21102,5

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг вилоятлар кесимида тақсимланиши (минг га, ҳисобида)



ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАҚСАДЛАРИГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ЕРЛАР ТУШУНЧАСИ


ЕК 6-боб 43-модда

Ўзбекистон Республикаси Ер фонди таркибида қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерлар мустақил тоифани ташкил этади. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида улар алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, асосий восита сифатида ҳаракат қилади.

Ўзбекистон Республикаси **Ер кодексининг 43-моддасига** кўра, **қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар - қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун берилган ёки ана шу мақсадга мўлжалланган ерлар**. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар сугориладиган ва сугорилмайдиган (лалмикор) ерлар, хайдаладиган ерлар, пичанзорлар, яйловлар, кўп йиллик мевали дов-дарахтлар ва токзорлар эгаллаган ерларга бўлинади;

Ерларни мақсадли белгилаш, яъни уларни яроқлилиги даражасидан келиб чиқиб фойдаланиш хўжаликлараро ҳамда ички хўжалик ер тузиш лойиҳалари натижаларига кўра белгиланади. Шундай қилиб, бу лойиҳалар хўжаликларга маълум қисм ерлардан қишлоқ хўжалик мақсадларида фойдаланиш имкониятини беради.

Қишлоқ хўжалик ер турларининг 2014 йилнинг 1 январидан 2019 йил 1 январигача бўлган ўзгариши



ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАҚСАДЛАРИГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ЕРЛАР ТУШУНЧАСИ

ЕК 6 боб 43-58-моддалар

Ерларни мақсадли белгилаш, яъни уларни яроқлилиги даражасидан келиб чиқиб фойдаланиш хўжаликлараро ҳамда ички хўжалик ер тузиш лойиҳалари натижаларига кўра белгиланади. Шундай қилиб, бу лойиҳалар хўжаликларга маълум қисм ерлардан қишлоқ хўжалик мақсадларида фойдаланиш имкониятини беради. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар мамлакат ягона ер фондида майдон жиҳатидан биринчи ўринда туради.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудининг 45 % дан ортиғини эгаллаган бўлиб, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида асосий восита ҳисобланади ва иқтисодиёт тармоқлари учун алоҳида аҳамиятга эга.

Қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерларнинг умумий хусусияти шундан иборатки, бу ерлар қишлоқ хўжалигида асосий ишлаб чиқариш воситаси бўлиб ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 1-моддасида ер умуммиллий бойлик, Ўзбекистон Республикаси халқи ҳаёти, фаолияти ва фаровонлигининг асоси сифатида ундан оқилона фойдаланиш зарур ва у давлат томонидан муҳофаза қилинади деб таъкидлангандир. Қишлоқ хўжалиги мақсадларида фойдаланиш кўзда тутилган барча ерлар, халқ хўжалигини қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига тобора ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондириш мақсадида ер ислоҳоти ва қишлоқ хўжалиги ислоҳоти талабларига мувофиқ қишлоқ хўжалиги юритиш фаолияти билан шуғулланувчилар томонидан фойдаланилади.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАҚСАДЛАРИГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ЕРЛАР ТУШУНЧАСИ

ЕК

Қишлоқ қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерлардан фойдаланиш ҳуқуқинини субъектлари Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва юридик шахслар бўлишлари мумкин. Амалдаги ер қонунчилигига биноан ердан фойдаланувчилар уларга берилган ердан фақат қонунда кўрсатилган мақсаддагина фойдаланишлари мумкин. Масалан, қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) ўзига берилган ердан асосан қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришни ташкил этиш мақсадидагина фойдаланишликка ҳақли. Юқорида айтиб ўтганимиздек, қишлоқ хўжалиги корхоналари ўзларига бериб қўйилган ерлардан аввало қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришни амалга оширсалар, иккинчи томондан улар ердан ишлаб чиқариш бинолари қуриш, ёрдамчи хўжаликлар барпо этиш, қурилиш материалларини ишлаб чиқариш, турар-жой ва маъмурий бинолар, маданий-маиший бинолар қуриш учун ҳам фойдаланадилар.

Қишлоқ хўжалик корхона ва ташкилотларини ер билан таъминлаш амалда хўжаликлараро ер тузиш усули билан ўтказилади. Бундай ер тузиш ишлари бажараётган пайтда ер участкаси чегараланади ва унинг чегаралари марзалар билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 32-моддасида, ер участкаси ажратиб берилганда бу участка чегараси натура ҳолида (ернинг ўзида) аниқланиб, ўзга участкалардан марза ва бошқа хил чегара белгилари билан ажратиб қўйилади дейилган. Тегишли ер тузиш органлари берилган ер участкаси чегарасини натура ҳолида белгилаганларидан сўнг, ердан фойдаланиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат берадилар. Бу ҳужжат тегишли ҳокимият органлари томонидан берилади ва ердан фойдаланиш ҳуқуқини тасдиқловчи ягона юридик ҳужжат бўлиб ҳисобланади.



**Қишлоқ
хўжалик
мақсадларига
мўлжалланган
ерлар таснифи**

**фойдаланиш
мақсади бўйича**

**хўжалик юритиш
шакли бўйича**

**товар қишлоқ
хўжалиги
маҳсулоти
етиштиришга
мўлжалланган**

**қишлоқ
хўжалигига
мўлжалланмаган
ерларга (уй-
жойлар, бинолар,
иншоотлар,
йўллар ва х.к.)**

**жамоа
фонди
ерлари**

**фермер
хўжалиги
ерлари**

**деҳқон
хўжалиги
ерлари**

**СУВ БИЛАН ТАЪМИНЛАНГАНЛИК ДАРАЖАСИГА
ҚАРАБ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҚСАДЛАРИ
УЧУН МЎЛЖАЛЛАНГАН ЕРЛАР ТАВСИФИ**

суғориладиган
ерлар


лалми ерлар

**СУҒОРИЛАДИГАН
ЕРЛАР
ТУШУНЧАСИ**

ЕК
44-
модда

суғориш учун яроқли бўлган, сув ресурслари шу ерларни суғоришни таъминлай оладиган суғориш манбаи билан боғланган доимий ёки муваккат суғориш тармоғига эга бўлган ерлар суғориладиган ерлар жумласига киради

СУҒОРИЛАДИГАН ЭКИН ЕРЛАРИ МАЙДОНЛАРИНИНГ ЎЗГАРИШИ



АЛОҲИДА ҚИММАТГА ЭГА БЎЛГАН УНУМДОР СУҒОРИЛАДИГАН ЕРЛАР ТУШУНЧАСИ

ЕК 45-модда

Ер кодексига кўра **“Кадастр баҳоланишига кўра ўртача туман бонитет баллидан 20 фоиздан кўп бўлган суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерлари алоҳида қимматга эга бўлган унумдор суғориладиган ерлар жумласига киради”**.

Алоҳида қимматга эга бўлган унумдор суғориладиган ерлар махсус муҳофаза қилиниши лозим ва уларнинг суғорилмайдиган ерлар жумласига ўтказилишига йўл қўйилмайди.

Алоҳида қимматга эга бўлган унумдор суғориладиган қишлоқ хўжалик ерларини корхоналар, бинолар ва иншоотлар қурилиши учун беришга алоҳида ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан йўл қўйилади.

Алоҳида қимматга эга бўлган унумдор суғориладиган ерларнинг ҳуқуқий асоси бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг **“Табиатни муҳофаза қилиш”, “Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар”, “Давлат ер кадастри тўғрисида”**ги қонунлари ва **“Ер кодекси”** ҳисобланади.

Блиц саволлар

- 1.Қишлоқ хўжалик мақсадлари учун мўлжалланган ерлар деганда қандай ерлар тушунилади?
- 2.Қишлоқ хўжалик мақсадлари учун мўлжалланган ерлар ҳуқуқий ҳолати тушунчаси нимани англатади?
- 3.Қишлоқ хўжалик мақсадлари учун мўлжалланган ерларнинг ҳуқуқий ҳолати қайси қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади?
- 4.Қишлоқ хўжалик мақсадлари учун мўлжалланган ерлар кимларга ва қандай мақсадлар учун берилади?

1.